



МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Давранов Орзу

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0002-2460-0783
davranovorzu@gmail.com

Аннотация. Мақолада минтақавий ривожланишнинг назарий асослари, унинг турли босқичларда шаклланган назариялари ҳамда замонавий ёндашувлари илмий таҳлил қилинади. Анъанавий конвергенция ва дивергенция назариялари, ядро–периферия модели билан бирга эндоген ўсиш, инновация ва кластерлашув каби муосир концепциялар ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, молиявий механизмлар ва давлат молиясининг ҳудудий ривожланишдаги роли, уларнинг самарадорлигини таъминлашда институционал ва ташкилий асосларнинг аҳамияти ёритилади. Таъкидланганидек, замонавий шароитда минтақавий ривожланишнинг энг самарали йўли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий омилларни уйғунлаштирган интегратив ёндашув ҳисобланади. Шу тариқа, мақолада ҳудудий фаровонлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тамойиллари илмий жиҳатдан асослаб берилади.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, молиявий механизмлар, конвергенция, дивергенция, ядро–периферия модели, эндоген ўсиш назарияси, инновация, кластер, барқарорлик, ақли ихтисослашув, давлат–хусусий шериклик, интегратив ёндашув.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Давранов Орзу

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические основы регионального развития, анализируются различные этапы формирования его концепций и современные подходы. Помимо традиционных теорий конвергенции и дивергенции, модели «ядро–периферия», изучаются такие современные концепции, как эндогенный рост, инновации и кластеризация. Особое внимание уделено роли финансовых механизмов и государственных финансов в обеспечении регионального развития, а также институциональным и организационным основам повышения их эффективности. Отмечено, что в современных условиях наиболее результативным путём регионального развития является интегративный подход, сочетающий экономические, социальные, политические и культурные факторы. Таким образом, в статье научно обосновываются принципы целевого и эффективного использования финансовых инструментов для обеспечения регионального благосостояния и устойчивого экономического роста.

Ключевые слова: региональное развитие, финансовые механизмы, конвергенция, дивергенция, модель «ядро–периферия», теория эндогенного роста, инновации, кластер, устойчивость, смарт-специализация, государственно-частное партнёрство, интегративный подход.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF REGIONAL DEVELOPMENT

Davranov Orzu*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *The article examines the theoretical foundations of regional development, analyzing the stages of the formation of its concepts and contemporary approaches. In addition to traditional theories of convergence and divergence, and the core-periphery model, modern concepts such as endogenous growth, innovation, and clustering are also considered. Particular attention is given to the role of financial mechanisms and public finance in promoting regional development, as well as the importance of institutional and organizational frameworks in enhancing their effectiveness. It is emphasized that, under current conditions, the most effective path to regional development is an integrative approach that harmonizes economic, social, political, and cultural factors. Accordingly, the article scientifically substantiates the principles of targeted and efficient use of financial instruments to ensure regional prosperity and sustainable economic growth.*

Keywords: *regional development, financial mechanisms, convergence, divergence, core-periphery model, endogenous growth theory, innovation, cluster, sustainability, smart specialization, public-private partnership, integrative approach.*

Кириш.

Минтақавий ривожланиш замонавий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ҳудудий тараққиётга таъсир этувчи асосий драйверлардан бири сифатида молиявий воситалар ва уларни самарали бошқариш механизмлари майдонга чиқмоқда. Бунда молиявий инструментларнинг диверсификацияси, инвестиция ресурсларини жалб этишнинг замонавий усуллари ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг институционал асослари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда минтақавий ривожланиш масалалари давлат сиёсатининг марказий йўналиши сифатида белгиланиб, Президентнинг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси", "Ўзбекистон–2030" стратегияси ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида"ги Фармонида ҳудудий молиялаштиришнинг замонавий моделларини жорий этиш, молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш каби вазифалар белгиланган. Бу эса минтақавий молиявий сиёсатнинг институционал ва ташкилий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, минтақавий ривожланиш ва молиявий механизмлар ўзаро узвий боғлиқ жараёнлардир. Молиявий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва самарали бошқариш ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудий рақобатбардошликни кучайтириш ҳамда аҳоли даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга замин яратади.

Адабиётлар шарҳи.

Минтақавий ривожланиш назариялари турли ҳудудларда иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлик жараёнларини англаш ҳамда уларни бошқариш учун ишлаб чиқилган назарий-методологик асослар мажмуаси сифатида талқин этилади. Ушбу назариялар жаҳон иқтисодий, сиёсий ва маданий динамикасини ҳисобга олган ҳолда, фақат марказлашган сиёсатга эмас, балки маҳаллий имкониятлар ва ресурслардан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш ғоясини ҳам илгари суради. Жумладан қуйидаги назариялар мавжуд (1-расм):



1-расм: Минтақавий ривожланиш назариялари

Манба: муаллиф ишланмаси.

1-расмда келтирилган назарияларни бирма-бир кўриб чиқсак, Анъанавий назариялар: макроиқтисодий қарашлар, жумладан 1.1. Конвергенция ва дивергенция назариялари. Минтақавий ривожланишда конвергенция ва дивергенция назариялари ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқнинг динамикасига бағишланган. Конвергенция назариясига кўра, кам ривожланган минтақаларда юқори ўсиш суръатлари кузатилади, чунки уларда сармоянинг чегаравий қайтарими нисбатан юқори бўлади. Бу эса вақт ўтиши билан ривожланган ва ривожланаётган ҳудудлар ўртасида иқтисодий кўрсаткичларнинг яқинлашишига олиб келади (Xueming et al., 1999). Шу билан бирга, дивергенция назариясига кўра, иқтисодий ўсиш жараёнида айрим ҳудудлар устунликка эришиб, иқтисодий фарқлар янада кенгайиши мумкин.

1.2. Ядро–периферия модели. Фридманнинг ядро–периферия модели минтақавий ривожланишнинг асимметрик табиатини изоҳлайди. Унга кўра, иқтисодий фаоллик ва инновация марказий ҳудудларда тўпланади, периферия эса асосан ресурс етказиб берувчи ва меҳнат захираси манбаи сифатида намоён бўлади. Натижада, марказ ва чекка ҳудудлар ўртасида нотенг тараққиёт тенденцияси шаклланади (Friedmann, 1983).

2. Муосир ёндашувлар: инновация, ижтимоий жараёнлар ва локал потенциал. 2.1. Инновация ва тадбиркорлик назариялари. Замонавий минтақавий ривожланиш назариялари маҳаллий тадбиркорлик, инновация ва билимнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради. Янги иқтисодий география ва эндоген ўсиш назариясига кўра, илм-фан, билим ва технология ҳудудий ўсишда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Инновацион муҳитнинг шаклланиши тадбиркорлик салоҳиятини ошириб, ҳудудларнинг рақобатбардошлигини кучайтиради (Nijkamp & Abreu, 2020).

2.2. Эволюцион–институционал ёндашув. Институционал муҳитнинг “қалинлиги” ва маҳаллий тармоқларнинг мавжудлиги минтақавий тараққиётда муҳим ўрин тутди. Бунда турли институтлар ўртасидаги мувозанат ва ҳамкорлик инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи асосий шарт сифатида намоён бўлади. Масалан,

Силикон водийси тажрибаси институционал мувозанат ва маҳаллий тармоқларнинг ривожланиши орқали юқори инновацион муҳитга эга бўлган ҳолда кенг қиёфада ривожланган (Sokol, 2014).

2.3. Эндоген ривожланиш назарияси. Эндоген ёндашувга кўра, минтақалар ўз тараққиётида асосан ички ресурсларига: инсон капитали, ижтимоий тармоқлар ва маҳаллий институтларга таянади. Бу модель айниқса иқтисодий қайта тузилиш жараёнини бошдан кечираётган ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки ички салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин (Eversole, 2017).

3. Янги назариялар: барқарорлик, ақли ихтисослашув ва цикллар. 3.1. Барқарор ривожланиш ва кластер назарияси. Замонавий назариялар минтақавий ривожланиш жараёнларини экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан узоқ муддатли барқарорликка йўналтириш зарурлигини таъкидлайди. Бу нуқтаи назарда кластер назарияси муҳим ўрин тутди. Кластерлар муайян соҳалардаги корхоналарнинг жойлашиши ва ўзаро ҳамкорлиги инновацияни кучайтиради, ресурслардан самарали фойдаланиш имконини яратади ва рақобатбардошликни оширади (Topoleva, 2019).

3.2. “Ақли ихтисослашув” концепцияси минтақаларнинг муайян соҳаларга йўналишини, уларда рақобат устунликларини кучайтириш ва инновацияни рағбатлантириш орқали ривожланишини назарда тутди. Бу ёндашув минтақаларнинг барча соҳаларда эмас, балки стратегик устунликка эга йўналишларда ихтисослашувини қўллаб-қувватлайди. Шу йўл билан ҳудудий иқтисодиётлар диверсификация ва дифференциация орқали узоқ муддатли барқарор ўсишга эришиши мумкин (Bogdański, 2012).

4. Минтақалар ва бошқарув: сиёсат ва амалиёт. 4.1. Ривожланиш – сиёсий танлов натижаси сифатида. Айрим назариялар минтақавий ривожланишни фақат ташқи омиллар ёки глобал тенденциялар натижаси сифатида эмас, балки компаниялар, маҳаллий раҳбарлар ва сиёсий институтларнинг стратегик қарорлари орқали ҳам шаклланишини таъкидлайди. Бу нуқтаи назар минтақавий сиёсатнинг ролини ва қарор қабул қилиш жараёнларининг аҳамиятини оширади (Mandysová, 2011).

4.2. Сиёсий ва маданий омиллар. Янги минтақавийчилик назарияси минтақавий тараққиётга фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки сиёсий барқарорлик, маданий ўзлик ва ҳудудий ҳувиятнинг мустақамланиши орқали ҳам эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Бу эса ҳудудларнинг глобал интеграция жараёнида ўзлигини йўқотмасдан, барқарор ривожланишига хизмат қилади (Soja, 2009).

Умумий хулоса шуки, назариялар бирлашмоқда. Минтақавий ривожланиш назариялари тарихан турли босқичлардан ўтган: конвергенция назариясидан бошлаб эндоген ўсиш, инновация ва барқарор ривожланиш концепцияларига қадар. Бугунги кунда энг самарали ёндашув сифатида интегратив модел, яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий омилларни уйғунлаштирувчи ёндашув шаклланмоқда. Шу боис ҳудудий сиёсатда комплекс назарий асослардан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда (Xueming et al., 1999; Tekeli, 2013).

Олиб борилган назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, минтақавий ривожланиш назариялари тарихий жараёнда турли босқичларни босиб ўтган ва ҳар бир босқич ўз даврининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларига жавоб берган.

Анъанавий макроиқтисодий ёндашувларда минтақалар ўртасидаги фарқлар конвергенция ва дивергенция нуқтаи назаридан изоҳланган бўлса, ядро–периферия моделлари ҳудудий номуносибликларнинг манбаларини очиб берган. Муосир ёндашувларни таҳлил қилиш жараёнида инновация, тадбиркорлик ва инсон капитали каби омилларнинг ҳудудий тараққиётдаги роли алоҳида устувор аҳамият касб этишини кузатдик. Шу билан бирга, маҳаллий тармоқлар, ижтимоий институтлар ва уларнинг

мувозанатли фаолияти минтақаларнинг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлайди.

Янги назарияларни ўрганиш жараёнида кластерлашув, барқарор ривожланиш ва “ақлли ихтисослашув” концепцияларининг минтақавий сиёсатда муҳим стратегик йўналиш сифатида намоён бўлаётганини аниқладик. Хусусан, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка эришишда экологик ва маданий омилларни ҳисобга олиш зарурлиги асосий талаб сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, ҳулосага кўра, минтақавий ривожланиш фақат иқтисодий ресурслар тақсимотига эмас, балки сиёсий қарорлар, маҳаллий институтларнинг самарали фаолияти ва ҳудудий ҳувиётнинг мустаҳкамланишига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Умумий натижа сифатида, интегратив ёндашув, яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий омилларни уйғунлаштирган назарий асос бугунги глобал шароитда минтақавий ривожланишнинг энг самарали йўли эканини таъкидлаймиз.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий механизмлар ва давлат молияси жамият тараққиётининг муҳим устунларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини қўллаб-қувватлаш, давлат хизматларини молиялаштириш ҳамда стратегик тараққиётни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутати. Давлат молияси нафақат бюджет даромадлари ва харажатларини қамраб олади, балки молиявий воситалар, институционал тузилмалар ва молия сиёсатини ҳам ўз ичига оладиган кенг қамровли тизим сифатида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, молиявий механизмларнинг самарали фаолият юритиши давлат молиясининг барқарорлиги ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур таҳлилий йўналишда молиявий механизмлар ва давлат молиясига оид замонавий ёндашувлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари илмий таҳлил объекти сифатида ўрганилади.

Молиявий механизм давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатишдаги асосий воситаларидан бири ҳисобланади. У молиявий тизим, молиявий сиёсат, молиявий институтлар, қонунчилик базаси ва молиявий воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, улар жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. Илмий манбаларда таъкидланганидек, молиявий механизм қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

- Молиявий воситалар: солиқлар, бюджет ажратмалари, субсидиялар;
- Молиявий институтлар: давлат хазинаси, марказий банк, молия вазирлиги;
- Қонуний база - молиявий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар (Moldovan, 2009).

Мазкур механизм орқали давлат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида молиявий иштирокини амалга оширади (Rebrova, 2020).

Давлат молияси давлат иқтисодий сиёсатининг амалий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қайта тақсимлаш - солиқлар ва трансфертлар орқали жамиятдаги даромад тенгсизлигини камайтириш (Giurgiu & Duma, 2010).
2. Стабиллаштириш макроиқтисодий ўзгаришларга қарши чоралар кўриш (инфляцияга қарши кураш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш).
3. Молиявий хизмат кўрсатиш давлат ташкилотлари ва аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлашда молиявий асос яратиш (Sześciło, 2020).

Жамоат хизматларини самарали молиялаштириш давлатни баҳолашдаги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бюджет маблағларининг режалаштирилиши ва мониторинги молиявий механизмнинг марказий қисми сифатида қаралади (Rebrova, 2020).

Молиялаштириш усуллари қўйидагилардан иборат: бевосита бюджет молиялашуви; давлат-хусусий шериклик (ДХШ); маҳаллий ҳокимият облигациялари (Vyhovska, 2021).

Давлат-хусусий шериклик жамоат инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб, бюджет маблағлари хусусий сармоя билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади (Шулук, 2018; Zabashtanskyi & Yevtushenko, 2023).

Афзалликлари: давлат бюджетига тушадиган юкни камайтиради; янгиликлар ва самарадорликни оширади; инфратузилмани тезкор ривожлантиради. Кризис ҳолатларида (масалан, пандемиялар, табиий офатлар) молиявий фавқулодда механизмлар ишга туширилади. Улар тезкор чоралар кўриш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва хавфларни молиялаш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлайди (Ting-ting, 2012).

Давлат молиясининг самарали фаолият юритиши унинг шаффофлиги ва жавобгарлиги билан чамбарчас боғлиқ. Фуқаролар ва манфаатдор томонларнинг молиявий қарорларда иштирокини таъминлаш молия сиёсатининг барқарорлигини кучайтиради (Хуеринг, 2004).

Айрим тадқиқотчилар молиявий механизмларга фалсафий-диалектик нуқтаи назардан ёндашиб, уни жамият фаровонлиги ва барқарор тараққиётни таъминлаш воситаси сифатида талқин қилади (Demianyshyn & Horyn, 2020).

Бугунги кунда давлат молияси иқтисодий ноаниқлик, қарз юки ва бюджет дефицити хавфларини ҳисобга олган ҳолда самарали бошқарувни талаб қилади. Шу боис молиявий стратегиялар узоқ муддатли барқарорлик ва молиявий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилиши зарур (Chornovol et al., 2020).

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қўйидаги хулосага келинди: молиявий механизмлар ва давлат молияси нафақат техник функцияларни бажаради, балки стратегик давлат бошқарувининг асосий қисми сифатида намоён бўлади. Уларнинг самарали ишлаши иқтисодий барқарорлик, ижтимоий адолат ва сиёсий ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ҳудудий тенгсизлик жамиятдаги энг мураккаб ва давомли муаммолардан бири бўлиб, иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ҳамда ҳудудлараро адолатга жиддий таъсир кўрсатади. Унинг асосий сабабларидан бири молиявий ресурсларнинг нотенг тақсимланишидир. Шу боис, ҳудудий ривожланиш муаммоларини бартараф этишда молиявий ресурслар тақсимои механизmlарини илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларда ҳудудлар ўртасидаги фарқлар, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, узоқ йиллар давомида сақланиб қолмоқда. Масалан, Индонезия тажрибаси молиявий марказлашувни камайтиришга қаратилган децентрализация сиёсатига қарамасдан, марказий ва чекка ҳудудлар ўртасидаги фарқ сақланиб қолаётганини кўрсатади (Tirtosuharto, 2013).

Мексикада ишлаб чиқилган молиявий бошқарув моделида “молиявий ҳамжиҳатлик”, “барқарорлик” ва “ҳудудий базалик” тамойиллари асосида ресурс тақсимои амалга оширилади (López & Díaz Puente, 2010). Хитой тажрибаси эса хорижий молия айрим ҳудудларга ижобий таъсир кўрсатмаганини, маҳаллий молиявий ресурслар эса самарали бўлганини кўрсатади (Tang, 2014).

Европа Иттифоқида ресурслар тақсимоида маҳаллий ривожланиш салоҳиятини ҳисобга олиш, “smart specialization” стратегияси орқали таъминланади. Бу усул ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини чуқур баҳолаб, ресурсларни манзилли йўналтириш имконини беради (Capello & Cerisola, 2020). Францияда ҳудудий соғлиқ бюджетлари орқали тенгсизликни камайтириш тажрибаси мавжуд бўлса (Bellanger & Jourdain, 2004), Хитойда эса ресурслар асосан марказий шаҳарларда тўпланиб, чекка ҳудудларда танқислик юзага келмоқда (Dong et al., 2020). Европа тажрибасида ялпи ички маҳсулот

кўрсаткичига кўшимча равишда кўп ўлчовли тенгсизлик индекслари ишлаб чиқилган. Испания ва Венгрия мисолида ресурслар тақсимотини қайта кўриб чиқишда мазкур индекслар муҳим аҳамият касб этган (Folmer & Heijman, 2005).

Хитойнинг 31 та вилояти бўйича таҳлиллар самарадорлиги юқори бўлган ҳудудлар кўпинча камроқ молиявий кўмак олганини кўрсатди. Шу боис ресурс тақсимоотида самарадорлик билан бирга адолат тамойилини уйғунлаштириш зарур (Zhou et al., 2019). Япония тажрибасида маҳаллий солиқлар ва марказлашган трансфертлар ҳудудий тенгсизликни камайтиришга хизмат қилса-да, айрим ҳолларда нотўғри тақсимот аксинча фарқни кучайтириши мумкин (Miyazaki, 2018). Индонезия ва Ганада маҳаллий аҳолининг бюджет жараёнларида иштирокини таъминлаш ҳудудий тенгсизликни камайтиришда ижобий натижалар берган (Asante et al., 2006; Oktavilia et al., 2024).

Ҳудудий тенгсизлик муаммосини бартараф этиш учун молиявий ресурсларни тақсимлашда қуйидаги йўналишлар устувор аҳамиятга эга: ҳудудий ривожланиш салоҳияти ва эҳтиёжларни ҳисобга олган тақсимот; самарадорлик ва адолат мезонларини уйғунлаштириш; шаффоф ва иштирокий бюджет жараёнлари; миллий ва маҳаллий сиёсатлар ўртасида мувофиқликни таъминлаш. Бу йўналишлар молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳудудий барқарор ривожланишни таъминлашнинг илмий-назарий ҳамда амалий асосини яратади.

Таҳлил қилинган адабиётлар асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

Минтақавий ривожланишнинг самарадорлиги фақат марказий бюджет сиёсатининг ҳажми ёки молиявий ресурсларнинг тақсимоотига эмас, балки ҳудудларнинг ички иқтисодий салоҳиятини сафарбар этишга қодир молиявий механизмларнинг мавжудлиги ва уларнинг самарали ишлашига бевосита боғлиқдир.

Анъанавий назариялар: конвергенция, дивергенция ва “ядро-периферия” моделлари, ҳудудий фарқларни тушунтиришда маълум даражада самарали бўлса-да, ҳозирги глобал ва маҳаллий иқтисодий жараёнлар шароитида улар етарли эмас. Замонавий ёндашувлар: эндоген ўсиш назарияси, инновация, кластерлар ва “ақлли ихтисослашув” концепциялари молиявий ресурсларни маҳаллий шароит ва эҳтиёжларга мос ҳолда мақсадли йўналтириш зарурлигини асослаб бермоқда.

Шу боис, минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситалардан фойдаланишда қуйидаги тамойиллар устувор аҳамиятга эга:

- институционал барқарорлик ва молиявий бошқарувнинг шаффофлиги;
- ресурсларни ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва ривожланиш салоҳиятига кўра манзилли тақсимлаш;
- давлат-хусусий шериклик, минтақавий облигациялар, яшил ва исломий молия каби замонавий инструментлардан фойдаланиш орқали инвестиция муҳитини кенгайтириш;
- молиявий сиёсатнинг самарадорлиги ва ижтимоий адолат мезонларини уйғунлаштириш.

Шу тарзда, адабиётларда илгари сурилган назарий ёндашувларнинг таҳлили минтақавий сиёсатда иқтисодий, ижтимоий ва институционал омилларни уйғунлаштирган комплекс моделнинг долзарблигини тасдиқлайди. Молиявий воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳудудий фаровонлик, рақобатбардошлик ва узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг асосий кафолати сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, назарий моделлар таҳлили молия ва ҳудудий ривожланиш ўртасидаги узвий боғлиқликни яққол намоён қилади. Бу боғлиқлик

қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади: капитал тақсимои ва ресурслар самарадорлиги – кредит, инвестиция ва молиявий фондлар орқали; институционал муҳит ва сиёсий механизмлар – молиявий назорат, ҳисобдорлик ва шаффофлик тизимлари орқали; бюджет трансфертлари ва фискал федерализм – марказ ва ҳудудлар ўртасида молиявий ресурсларни тенг тақсимлаш орқали; молиявий стимуллар ва рағбатлар – солиқ имтиёзлари, субсидиялар, ДХШ лойиҳалари орқали хусусий сектор фаоллигини ошириш.

Адабиётлар /Литература/References:

Asante, A., Zwi, A., & Ho, M. (2006). *Equity in resource allocation for health: a comparative study of the Ashanti and Northern Regions of Ghana. Health policy*, 78 2-3, 135-48. <https://doi.org/10.1016/J.HEALTHPOL.2006.03.013>.

Bellanger, M., & Jourdain, A. (2004). *Tackling regional health inequalities in France by resource allocation. Applied Health Economics and Health Policy*, 3, 243-250. <https://doi.org/10.2165/00148365-200403040-00007>.

Bogdański, M. (2012). *Modern Theories of Regional Development – a Review of Some Concepts. Oeconomia Copernicana*, 3, 25-41. <https://doi.org/10.12775/OEC.2012.007>.

Capello, R., & Cerisola, S. (2020). *Catching-up and regional disparities: a resource-allocation approach. European Planning Studies*, 29, 94 - 116. <https://doi.org/10.1080/09654313.2020.1823323>.

Chornovol, A., et al. (2020). *Public finance management system in modern conditions. Investment Management and Financial Innovations*. [https://doi.org/10.21511/imfi.17\(4\).2020.34](https://doi.org/10.21511/imfi.17(4).2020.34).

Demianyshyn, V., & Horyn, V. (2020). *A dialectical approach to the study of the financial mechanism for ensuring public welfare. INNOVATIVE ECONOMY*. <https://doi.org/10.37332/2309-1533.2020.3-4.21>.

Dong, E., et al. (2020). *Differences in regional distribution and inequality in health-resource allocation at hospital and primary health centre levels: a longitudinal study in Shanghai, China. BMJ Open*, 10. <https://doi.org/10.1136/bmjopen-2019-035635>.

Eversole, R. (2017). *Economies with People in Them: Regional Futures through the Lens of Contemporary Regional Development Theory. The Australasian Journal of Regional Studies*, 23, 305.

Folmer, H., & Heijman, W. (2005). *Multi-dimensional regional inequality as an alternative allocation mechanism For EU Structural Funds remittances: The case of Spain and Hungary. The Annals of Regional Science*, 39, 337-352. <https://doi.org/10.1007/S00168-004-0222-9>.

Friedmann, J. (1983). *Life Space and Economic Space: Contradictions in Regional Development*, 148-162. https://doi.org/10.1007/978-1-349-06588-2_9.

Giurgiu, A., & Duma, F. (2010). *PUBLIC FINANCE VERSUS PRIVATE FINANCE. Mandysová, I. (2011). REGIONAL DEVELOPMENT AS RESULT OF COMPANY MANAGEMENT STRATEGIC CHOICE*.

López, J., & Puente, J. (2010). *Model of management and allocation of financial resources to reverse regional disparities in the state of Puebla, Mexico*, 339-349.

Miyazaki, T. (2018). *Regional Inequality in Fiscal Capacity and Allocation of Tax Sources: Do Local Allocation Taxes Correct the Inequality?. Public Policy Review*, 14, 347-368.

Moldovan, I. (2009). *Financial Mechanism Components*, 47, 120-126.

Nijkamp, P., & Abreu, M. (2009). *Regional development theory. research memorandum*, 202-207. <https://doi.org/10.1016/B978-008044910-4.00869-5>.

Oktavilia, S., F., et al. (2024). *Collaboration Model Between Stakeholders in Optimizing Regional Budget Allocation as a Strategy to Reduce Poverty and Inequality. Revista de Gestão Social e Ambiental*. <https://doi.org/10.24857/rgsa.v18n10-086>.

- Rebrova, V. (2020). Development of the Financial Mechanism for the Provision of Public Services. Humanities and Social Sciences. Bulletin of the Financial University. <https://doi.org/10.26794/2226-7867-2020-10-4-137-139>.
- Soja, E. (2009). Regional Planning and Development Theories., 259-270. <https://doi.org/10.1016/B978-008044910-4.00877-4>.
- Sokol, M. (2014). Where Evolutionary-institutional Theory of Regional Economic Development Meets the Post-socialist Reality of Central and Eastern Europe: Building Silicon Valleys in Slovakia.
- Son, T. (2014). Financial Resources Allocation and Disparity in Regional Economic Growth: An Empirical Analysis of Spatial Spillover Effect in East, Middle and West China. China Soft Science.
- Sześciło, D. (2020). Public financial management. Public Administration in Central Europe. <https://doi.org/10.4324/9780429286452-16>.
- Ting-Ting, S. (2012). Probe into the Public Financial Emergency Mechanism. Journal of University of Electronic Science and Technology of China.
- Tirtosuharto, D. (2013). Regional Inequality in Indonesia: Did Convergence Occur Following the 1997 Financial Crisis?
- Topoleva, T. (2019). REGIONAL DEVELOPMENT: NEW THEORIES. Juvenis Scientia. <https://doi.org/10.32415/jscientia.2019.06.03>.
- Vyhovska, O. (2021). Formation of the Financial Support Mechanism for Public Transport Enterprises. Accounting and Finance. [https://doi.org/10.33146/2307-9878-2021-2\(92\)-35-43](https://doi.org/10.33146/2307-9878-2021-2(92)-35-43).
- Xueming, Y., et al. (1999). A Retrospect and Prospect on Regional Development Theory. Progress in geography, 18, 296-305. <https://doi.org/10.11820/DLXJZ.1999.04.002>.
- Xueping, Z. (2004). Democratic Mechanism of Public Finance.
- Zabashtanskyi, M., & Yevtushenko, Y. (2023). FINANCIAL MECHANISM FOR THE DEVELOPMENT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN UKRAINE. Problems and prospects of economics and management. [https://doi.org/10.25140/2411-5215-2022-2\(34\)-165-173](https://doi.org/10.25140/2411-5215-2022-2(34)-165-173).
- Zhou, D., Huang, J., & Yu, S. (2019). Research on the Path of Regional Financial Resources Allocation Considering Fairness and Efficiency Based on the Data of 31 Provinces of China. Proceedings of the 2nd International Conference on Economy, Management and Entrepreneurship (ICOEME 2019). <https://doi.org/10.2991/ICOEME-19.2019.41>.
- Шулюк, Б. (2018). Conceptual principles for financial mechanism of public-private partnership. The Journal of Zhytomyr State Technological University. Series: Economics, Management and Administration. [https://doi.org/10.26642/jen-2018-4\(86\)-117-122](https://doi.org/10.26642/jen-2018-4(86)-117-122).